



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **21** yil « **16** » **mart**

№ **143**

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва махсус қабулхоналарида сақланаётган шахсларни таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар, шунингдек, махсус қабулхоналарда маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган шахслар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар, шунингдек, махсус қабулхоналарда маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган шахсларни озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрлари 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларни кийим-кечак ва ётоқ анжомлари билан таъминлаш меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш колониялари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган ҳомиладор ва эмизикли аёлларни озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва ётоқ анжомлари билан таъминлаш меъёрлари 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг даволаш муассасаларида, жазони ижро этиш муассасаларининг тиббиёт бўлимларида стационар даволанишда бўлган беморларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак (буюм) билан таъминлаш меъёрлари 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарини совун ва ювиш воситалари билан таъминлаш меъёрлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларни ҳамда тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида қамокда сақланаётган шахсларни озиқ-овқат, ашёвий мол-мулк, совун ва ювиш воситалари билан таъминлаш меъёрларининг қўлланиш тартибини, шунингдек, сақлаш таъминоти учун пул маблағлари харажатларини белгилаш;

маҳкумлар учун кийим-кечак моделини, уларга кийим-кечакни бериш ва ишлатиш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган бемор маҳкумлар, шунингдек, тергов ҳибсхоналарида сақланаётган, қамокқа олинган, шифо бўладиган озиқ маҳсулотларига мухтож шахсларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини белгилаш. Бунда шифо бўладиган озиқ маҳсулотларининг қўшимча қиймати мазкур қарор билан тасдиқланган озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрларида назарда тутилган озиқ-овқат маҳсулотлари қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини бошқалари билан алмаштириш меъёрларини ва уларни қўллаш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналарида ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар, шунингдек, махсус қабулхоналарда маъмурий қамок жазосини ўтаётган шахсларнинг кийим-кечак ва ётоқ анжомлари аввал берилган кийим-кечак ва ётоқ анжомларининг фойдаланиш муддати тугагандан сўнг янгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 мартдаги 143 -сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони
ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов
ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган
шахслар, шунингдек, махсус қабулхоналарда маъмурий қамоқ
жазосини ўтаётган шахсларни озиқ-овқат билан таъминлаш
МЕЪЁРЛАРИ**

**1-сон меъёр
жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини
ўтаётган маҳкумлар учун**

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	500
2.	2-нав ундан тайёрланган буғдой нони	150
3.	2-нав буғдой уни	20
4.	Турли хил ёрмалар (гуручсиз)	90
5.	Гуруч	30
6.	Макарон маҳсулотлари	20
7.	Гўшт (мол, қўй гўшти ва бошқалар)	80
8.	Парранда гўшти (ичак-чавоқларидан тозаланган)	30
9.	Балиқ (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
10.	Тухум (дона)	1
11.	Дуккакли маҳсулотлар	20
12.	Ҳайвон ёғи ёки маргарин	20
13.	Ўсимлик ёғи	50
14.	Шакар	30
15.	Чой	1
16.	Йодланган ош тузи	20
17.	Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган)	95
18.	Картошка	550
19.	Дафна япроғи	0,1
20.	Томат пастаси	3

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
21.	Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак – 5гр)	10
22.	Сабзавотлар* жумладан:	401
	карам (янги узилган ёки тузланган)	55
	бодринг ва помидор (янги узилган ёки тузланган)	95
	пиёз	35
	лавлаги ва сабзи	85
	Қовоқ	20
	бошқа сабзавотлар (шолғом, турп, булғор қалампери, бақлажон)	106
	Кўкатлар	5

Ушбу меъёр бўйича қуйидагилар таъминланади:

умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда, турмаларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар;
транзит олиб кетилаётган маҳкумлар;
этап бўлгунга қадар тергов ҳибсхоналарида сақланаётган маҳкумлар;
жазони ижро этиш муассасаларидан тергов ҳибсхоналарига ўтказилган ёки тергов ҳибсхоналарида суд ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг қолдирилган ва хўжалик ишларини бажариш учун қолдирилган маҳкумлар;

манзил-колонияда интизомий бўлинмага киритилганлиги сабабли ишдан озод қилинган маҳкумлар, манзил-колониясининг корхона, муассаса ва ташкилоти маблағлари ҳисобидан, кейинчалик маҳкумларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш шарти билан;

манзил-колонияга олиб келинмайдиган ташкилотларда ишга жалб этилган маҳкумлар республикада фавқулодда ҳолат рўй бериши ёки санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар сабабли ушбу ташкилот (ишлаб чиқариш) фаолияти тўхтаганда, манзил-колониянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан.

Вояга етмаганлар тарбия колонияларининг тарбияланувчилари озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрлари бўйича таъминланадилар.

Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига йиғиб берилишига рухсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги махсус контингентнингнинг амалдаги сони асос бўлади.

*) Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

2-сон меъёр
меҳнат шaroитлари оғир ва зарарли бўлган ишларда
ишлайдиган маҳкумлар учун

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	550
2.	2-нав ундан тайёрланган буғдой нони	200
3.	2-нав буғдой уни	20
4.	Турли хил ёрмалар (гуручсиз)	110
5.	Гуруч	30
6.	Макарон маҳсулотлари	40
7.	Гўшт (мол, кўй гўшти ва бошқалар)	120
8.	Парранда гўшти (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
9.	Балиқ (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
10.	Тухум (дона)	1
11.	Дуккакли маҳсулотлар	20
12.	Ҳайвон ёғи ёки маргарин	20
13.	Ўсимлик ёғи	50
14.	Шакар	35
15.	Чой	1,2
16.	Йодланган ош тузи	20
17.	Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган)	95
18.	Картошка	550
19.	Дафна япроғи	0,1
20.	Томат пастаси	3
21.	Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак – 5гр)	15
22.	Янги мевалар ва резаворлар** жумладан:	300
	олма	250
	резаворлар	50
23.	Сабзавотлар* жумладан:	416
	карам (янги узилган ёки тузланган)	55
	бодринг ва помидор (янги узилган ёки тузланган)	95
	Пиёз	50
	лавлаги ва сабзи	85
	Қовоқ	20
	бошқа сабзавотлар (шолғом, турп, булғор қалампири, бақлажон)	106
	Кўкатлар	5

Ушбу меъёр бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан тасдиқланган намунавий рўйхатга мувофиқ меҳнат шaroитлари бевосита оғир ва зарарли бўлган ишларда ишлайдиган маҳкумлар таъминландилар.

Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига йиғиб берилишига руҳсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлагилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги маҳсус контингентнингнинг амалдаги сони асос бўлади.

*) Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

3-сон меъёр
тергов ҳибсхоналарида, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ва махсус
қабулхоналарда сақланаётган шахслар учун

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	500
2.	2-нав ундан тайёрланган буғдой нони	150
3.	2-нав буғдой уни	20
4.	Турли хил ёрмалар (гуручсиз)	90
5.	Гуруч	30
6.	Макарон маҳсулотлари	20
7.	Гўшт (мол, кўй гўшти ва бошқалар)	100
8.	Парранда гўшти (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
9.	Балиқ (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
10.	Тухум (дона)	1
11.	Дуккакли маҳсулотлар	20
12.	Ҳайвон ёғи ёки маргарин	20
13.	Ўсимлик ёғи	45
14.	Шакар	30
15.	Чой	1
16.	Йодланган ош тузи	20
17.	Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган)	95
18.	Картошка	500
19.	Дафна япроғи	0,1
20.	Томат пастаси	3
21.	Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак – 5гр)	10
22.	Сабзавотлар* жумладан:	416
	карам (янги узилган ёки тузланган)	55
	бодринг ва помидор (янги узилган ёки тузланган)	95
	пиёз	35
	лавлаги ва сабзи	85
	қовоқ	20
	бошқа сабзавотлар (шолғом, турп, булғор қалампири, бақлажон)	121
	кўкатлар	5

Ушбу меъёр билан реабилитация марказларида сақланаётган шахслар, апелляция шикоятларининг кўриб чиқилишини ва суд ҳукмининг қонуний кучга киришини кутаётган шахслар таъминланади.

Вояга етмаганлар тарбиялаш колонияларининг тарбияланувчилари озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрлари бўйича таъминланадилар.

Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига йиғиб берилишига рухсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги махсус контингентнинг амалдаги сони асос бўлади.

*) Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

4-сон меъёр
вояга етмаган маҳкум(а)лар учун

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	350
2.	2-нав ундан тайёрланган буғдой нони	250
3.	2-нав буғдой уни	5
4.	Турли хил ёрмалар (гуручсиз)	50
5.	Гуруч	30
6.	Макарон маҳсулотлари	40
7.	Гўшт (мол, қўй гўшти ва бошқалар)	120
8.	Парранда гўшти (ичак-чавокларидан тозаланган)	35
9.	Балиқ (ичак-чавокларидан тозаланган)	35
10.	Тухум (дона)	1,5
11.	Дуккакли маҳсулотлар	10
12.	Ҳайвон ёғи ёки маргарин	20
13.	Ўсимлик ёғи	30
14.	Сариёғ	20
15.	Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган)	250
16.	Шакар	50
17.	Чой	1
18.	Йодланган ош тузи	10
19.	Картошка	400
20.	Картошка крахмали	1
21.	Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак – 5гр)	20
22.	Янги мевалар ва резаворлар* жумладан:	300
	олма	250
	резаворлар	50
23.	Дафна япроғи	0,1
24.	Томат пастаси	3
25.	Сабзавотлар* жумладан:	319
	карам (янги узилган ёки тузланган)	55
	бодринг ва помидор (янги узилган ёки тузланган)	65
	пиёз	50
	лавлаги ва сабзи	65
	қовоқ	20
	бошқа сабзавотлар (шолғом, турп, булғор қалампери, бақлажон)	59
	кўкатлар	5

Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига йиғиб берилишига рухсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги маҳсус контингентнинг амалдаги сони асос бўлади.

*) Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

5-сон — меъёр
йўлда бўлган даврида озиқ-овқат таъминоти

“А” — меъёр
маҳкумлар учун

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи *	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	1000
2.	Гўшт (мол, қўй гўшти ва бошқалар)	320
	ёки ярим дудланган колбаса	190
	ёки дуккакли маҳсулотлар	изоҳга мувофиқ**
	ёки тухум	
	ёки бринза	
3.	Шакар	30
4.	Йодланган ош тузи	10
5.	Чой	1

“Б” — меъёр
вояга етмаган маҳкумлар учун

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи*	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	400
2.	2-нав ундан тайёрланган буғдой нони	400
3.	Гўшт (мол, қўй гўшти ва бошқалар)	380
	ёки ярим дудланган колбаса	237
	ёки дуккакли маҳсулотлар	изоҳга мувофиқ**
	ёки тухум	
4.	Шакар	50
5.	Пишлоқ ёки бринза	60
6.	Йодланган ош тузи	15
7.	Чой	1

*) Тайёрлашни талаб қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари пиширилган ҳолда берилади.

***) Ушбу озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзаро алмашишини ҳисоблашга мувофиқ эквивалент миқдорда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 мартдаги 143-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларни кийим-кечак ва ётоқ анжомлари билан таъминлаш
МЕЪЁРЛАРИ**

**1 – сон меъёр
эркак маҳкумларнинг кийим-кечаклари (буюмлари)**

Т/р	Буюмнинг номи	Миқдори (бир киши учун)	Хизмат қилиш муддати
1.	Қишки бош кийими (қулокчинли телпак)	1 дона	3 йил
2.	Ёзги бош кийими	1 дона	1 йил
3.	Қишки куртка (синтефонли) (пахтали ярим пальто)	1 дона	3 йил
4.	Пахтали матодан костюм*	2 тўплам	2 йил
5.	Пахтали матодан шим*	1 дона	1 йил
6.	Пахтали матодан устки кўйлак*	2 дона	2 йил
7.	Ички кийим (қишки)** (ички кўйлак ва ички иштон)	2 тўплам	2 йил
8.	Майка	2 дона	1 йил
9.	Трусик	2 дона	1 йил
10.	Қишки қўлқоп (пахтали қўлқоп)	1 жуфт	1 йил
11.	Чарм ботинка (резинали тагчармдаги чарм ботинка)	1 жуфт	3 йил
12.	Чарм туфли	1 жуфт	2 йил
13.	Шиппак	1 жуфт	2 йил
14.	Пахтали матодан пайпоқ*	6 жуфт	1 йил

Ушбу меъёр бўйича тергов ҳибсхоналарида ва жазони ижро этиш колонияларида хўжалик ишларини бажариш учун қолдирилган маҳкумлар ҳам таъминланади.

Тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақлаб турилган, мавсумий кийимлари бўлмаган, шунингдек кийим-кечагида зараркунандалар мавжуд бўлган шахслар ушбу меъёр бўйича кийим-кечак билан таъминланади.

Буюмларни таъмирлаш учун сарфланадиган маҳсулотлар эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда республика бюджети ҳисобидан берилади.

*) 50 фоиздан кам бўлмаган пахта толасидан тўқилган мато ишлатилиши мумкин.

**) Ички кийим (қишки) ўрнига майка ва трусик беришга рухсат этилади.

2 – сон меъёр
аёл маҳқумаларнинг кийим-кечаклари (буюмлари)

Т/р	Буюмнинг номи	Миқдори (бир киши учун)	Хизмат қилиш муддати
1.	Ярим жунли матодан рўмол	1 дона	2 йил
2.	Дуррача (пахтали учбурчак рўмол)	2 дона	2 йил
3.	Қишки куртка (синтефонли) (пахтали ярим пальто)	1 дона	3 йил
4.	Пахтали матодан кузги-баҳорги куртка (астарли)*	1 дона	2 йил
5.	Пахтали матодан ёзги кўйлак костюм (сарафан)*	1 дона	2 йил
6.	Пахтали матодан кўйлак*	1 дона	1 йил
7.	Пахтали матодан блуза*	2 дона	2 йил
8.	Пахтали матодан халат*	1 дона	1 йил
9.	Ички кўйлак	2 дона	1 йил
10.	Майка	2 дона	1 йил
11.	Трусик	4 дона	1 йил
12.	Сийнабанд	2 дона	1 йил
13.	Пахтали матодан пайпок	8 жуфт	1 йил
14.	Гамаш	2 жуфт	1 йил
15.	Қишки кўлқоп	1 жуфт	1 йил
16.	Чарм ботинка (резинали тагчармдаги чарм ботинка)	1 жуфт	2 йил
17.	Чарм туфли	1 жуфт	2 йил
18.	Шиппак	1 жуфт	2 йил

Ушбу меъёр бўйича тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колонияларида хўжалик ишларини бажариш учун қолдирилган маҳқумалар ҳам таъминланади.

Тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақлаб турилган, мавсумий кийимлари бўлмаган, шунингдек кийим-кечагида зараркунандалар мавжуд бўлган шахслар ушбу меъёр бўйича кийим-кечак билан таъминланади.

Жазони ижро этиш колониялари, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақлаб турилган аёлларга бир ойда 10 дона аёллар учун гигиеник восита (прокладкалар ёки тампонлар) берилади.

Буюмларни таъмирлаш учун сарфланадиган маҳсулотлар эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда республика бюджети ҳисобидан берилади.

*) 50 фоиздан кам бўлмаган пахта толасидан тўқилган мато ишлатилиши мумкин.

**3 – сон меъёр
вояга етмаган маҳкум(а)ларнинг кийим-кечаклари (буюмлари)**

**“А” – меъёр
эркаклар учун**

Т/р	Буюмнинг номи	Миқдори (бир киши учун)	Хизмат қилиш муддати
1.	Қишки бош кийими (қулоқчинли шапка)	1 дона	3 йил
2.	Ёзги бош кийим	1 дона	1 йил
3.	Қишки куртка (синтефонли) (пахтали куртка)	1 дона	3 йил
4.	Пахтали матодан костюм*	2 тўплам	2 йил
5.	Мактаб учун костюм	1 тўплам	2 йил
6.	Пахтали матодан мактаб учун оқ кўйлак* (ип-газламали устки кўйлак)	1 дона	2 йил
7.	Галстук	1 дона	2 йил
8.	Пахтали матодан шим*	1 дона	1 йил
9.	Пахтали матодан кўйлак*	2 дона	2 йил
10.	Ички кийим (қишки)** (ички кўйлак ва ички иштон)	2 жуфт	2 йил
11.	Майка	2 дона	1 йил
12.	Трусик	2 дона	1 йил
13.	Пахтали матодан пайпоқ*	6 жуфт	1 йил
14.	Қишки кўлқоп (ярим жунли кўлқоп ёки варежкалар)	1 жуфт	1 йил
15.	Чарм ботинка	1 жуфт	2 йил
16.	Чарм туфли	1 жуфт	1 йил
17.	Спорт учун оёқ кийими (спорт учун туфли)	1 жуфт	2 йил
18.	Шиппак	1 жуфт	2 йил

4
“Б” – меъёр
аёллар учун

Т/р	Буюмнинг номи	Миқдори (бир киши учун)	Хизмат қилиш муддати
1.	Ярим жунли матодан рўмол	1 дона	2 йил
2.	Дуррача (ип-газламали учбурчак рўмол)	2 дона	2 йил
3.	Қишки куртка (синтефонли) (пахталик ярим пальто)	1 дона	3 йил
4.	Пахтали матодан кузги-баҳорги куртка (астарли)*	1 дона	2 йил
5.	Пахтали матодан ёзги кўйлак костюм (сарафан)*	1 дона	2 йил
6.	Мактаб учун костюм	1 тўплам	2 йил
7.	Пахтали матодан мактаб учун оқ кўйлак* (пахтали матодан кўйлак)	1 дона	2 йил
8.	Галстук	1 дона	2 йил
9.	Пахтали матодан юбка*	1 дона	1 йил
10.	Пахтали матодан кўйлак*	2 дона	2 йил
11.	Пахтали матодан блуза*	2 дона	2 йил
12.	Пахтали матодан халат*	1 дона	1 йил
13.	Ички кўйлак	2 дона	1 йил
14.	Майка	2 дона	1 йил
15.	Трусик	2 дона	1 йил
16.	Сийнабанд	2 дона	1 йил
17.	Пахтали матодан пайпоқ*	8 жуфт	1 йил
18.	Гамаш	2 жуфт	1 йил
19.	Қишки кўлқоп (ярим жунли кўлқоп ёки варежкалар)	1 жуфт	1 йил
20.	Чарм ботинка (резинали тагчармдаги чармботинка)	1 жуфт	2 йил
21.	Чарм туфли	1 жуфт	2 йил
22.	Спорт учун оёқ кийими (спорт учун туфли)	1 жуфт	2 йил
23.	Шиппак	1 жуфт	2 йил

Ушбу меъёр бўйича тергов ҳибсхоналарида ва жазони ижро этиш колонияларида хўжалик ишларини бажариш учун қолдирилган маҳкумалар ҳам таъминланади.

Тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақлаб турилган, мавсумий кийимлари бўлмаган, шунингдек кийим-кечагида зараркундалар мавжуд бўлган шахслар ушбу меъёр бўйича кийим-кечак билан таъминланади.

Жазони ижро этиш колониялари, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақлаб турилган аёлларга бир ойда 10 дона аёллар учун гигиеник восита (прокладкалар ёки тампонлар) берилади.

Буюмларни таъмирлаш учун сарфланадиган маҳсулотлар эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда республика бюджети ҳисобидан берилади.

*) 50 фоиздан кам бўлмаган пахта толасидан тўқилган мато ишлатилиши мумкин.

**) Ички кийим (қишки) ўрнига майка ва трустик беришга рухсат этилади.

4 – сон меъёр
тергов хибсхоналари ва вақтинча сақлаш хибсхоналарида сақлаб турилган шахслар, шунингдек, жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг ўрин-тўшак билан таъминлаш*

Т/р	Буюмнинг номи	Миқдори (бир киши учун)	Хизмат қилиш муддати
1.	Адёл (ярим жунли кўрпа)	1 дона	3 йил
2.	Пахтали матрас	1 дона	4 йил
3.	Пахтали ёстиқ	1 дона	4 йил
4.	Чойшаб	3 дона	2 йил
5.	Ёстиқ жилди	2 дона	2 йил
6.	Сочик	2 дона	1 йил
7.	Гигиена эҳтиёжлари учун сочик (аёл шахсларга берилади)	1 дона	1 йил
8.	Ҳожатхона қоғози**	1 ўрам (30±1м)	1 ой

*) Инвентарь фойдаланиш учун берилади.

5 – сон меъёр
тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари ошхонаси, нон пишириш цехида ишлайдиган маҳкумларни махсус кийим билан таъминлаш

Т/р	Материалнинг номи	Миқдори (бир киши учун)	Хизмат қилиш муддати
1.	Бош кийим, оқ рангли	2 дона	1 йил
2.	Костюм оқ рангли (шимли)	2 тўплам	1 йил
3.	Калиш	1 жуфт	1 йил

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 мартдаги 143-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов
ҳибсхоналари, жазони ижро этиш колониялари ва вақтинча сақлаш
ҳибсхоналарида сақланаётган ҳомиладор ва эмизикли аёлларни озиқ-овқат
маҳсулотлари, кийим-кечак ва ётоқ анжомлари билан таъминлаш
МЕЪЁРЛАРИ**

**1 – сон меъёр
тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш колониялари ва вақтинча
сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган ҳомиладор ва эмизикли
аёллар учун озиқ-овқат маҳсулотлари**

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	200
2.	2-нав ундан тайёрланган буғдой нони	300
3.	2-нав буғдой уни	20
4.	Турли хил ёрмалар (гуручсиз)	100
5.	Гуруч	30
6.	Макарон маҳсулотлари	20
7.	Гўшт (мол, қўй гўшти ва бошқалар)	125
8.	Парранда гўшти (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
9.	Балиқ (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
10.	Тухум (дона)	2
11.	Дуккакли маҳсулотлар	20
12.	Ҳайвон ёғи ёки маргарин	10
13.	Ўсимлик ёғи	40
14.	Сариёғ	40
15.	Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган)	500
16.	Творог	50
17.	Шакар	60
18.	Чой	1
19.	Йодланган ош тузи	10
20.	Дафна япроғи	0,1
21.	Янги мевалар*	240
	олма	200
	резаворлар	40
22.	Томат пастаси	3
23.	Картошка крахмали	1

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
24.	Картошка	450
25.	Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак – 5гр)	15
26.	Сабзавотлар* жумладан:	327
	карам (янги узилган ёки тузланган)	40
	бодринг ва помидор (янги узилган ёки тузланган)	80
	пиёз	60
	лавлаги ва сабзи	80
	қовоқ	20
	бошқа сабзавотлар (шолғом, турп, булғор қалампири, бақлажон)	42
	кўкатлар	5

Ушбу меъёр бўйича туғишига тўрт ой қолган ҳомиладор ва фарзанди тўққиз ойлик бўлгунига қадар эмизикли аёллар (шифокорнинг хулосасига асосан) таъминланади.

Тергов ҳибсхоналарида, жазони ижро этиш колониялари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида оналари билан бирга ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидаги болалар уйларида сақланаётган болалар озиқ-овқат маҳсулотлари билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги болалар уйлари учун белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрлари бўйича таъминланади.

Организмнинг энергияга ва озика моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига йиғиб берилишига рухсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги махсус контингентнинг амалдаги сони асос бўлади.

*) Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

2 – сон меъёр
жазони ижро этиш муассасаларининг туғруқ бўлимида сақланаётган
аёл маҳкумаларнинг кийим-кечак (буюм) ва ётоқ анжомлари

Т/р	Буюмнинг номи	Миқдори (бир киши учун)	Хизмат қилиш муддати
1.	Аёллар кўйлаги*	4 дона	3 йил
2.	Сийнабанд	2 дона	2 йил
3.	Иссиқ халат*	1 дона	10 йил
4.	Пахтали матодан пайпоқ**	1 жуфт	1 йил
5.	Гамаш	1 жуфт	1 йил
6.	Чойшаб*	4 дона	3 йил
7.	Адёл учун жилд*	4 дона	3 йил
8.	Ёстиқ жилди*	8 дона	3 йил
9.	Тагликлар	14 дона	3 йил
10.	Сочик	4 дона	3 йил
11.	Болалар олди очик кўйлакчалари	8 дона	2 йил
12.	Йўргаклар*	40 дона	3 йил
13.	Болалар чойшаби*	4 дона	3 йил
14.	Болалар ёстиқ жилди*	8 дона	3 йил
15.	Туғруқ хоналари учун чойшаблар	2 дона	2 йил
16.	Адёл* (ярим жунли адёл)	2 дона	5 йил
17.	Пахтали матрас*	1 дона	4 йил
18.	Пахтали ёстиқ*	2 дона	10 йил
19.	Болалар учун матрас*	1 дона	5 йил
20.	Болалар учун синтефонли адёл* (болалар учун ярим жунли адёл)	1 дона	5 йил
21.	Шиппак*	1 жуфт	1 йил

*) Инвентарь фойдаланиш учун берилди.

**) 50 фоиздан кам бўлмаган пахта толасидан тўқилган мато ишлатилиши мумкин.

3 – сон меъёр
хомиладор ва эмизикли аёлларнинг кийим-кечаклари (буюмлари)

Т/р	Буюмнинг номи	Микдори (бир киши учун)	Хизмат қилиш муддати
1.	Аёллар кўйлаги	3 дона	1 йил
2.	Сийнабанд	4 дона	1 йил
3.	Трусик	4 дона	1 йил
4.	Иссиқ халат*	3 дона	2 йил
5.	Пахтали матодан пайпоқ** (жунли пайпоқ)	8 жуфт	1 йил
6.	Чойшаб*	3 дона	2 йил
7.	Адёл учун жилд*	3 дона	2 йил
8.	Ёстиқ усти жилди*	3 дона	2 йил
9.	Дуррача (учбурчак рўмол)	3 дона	2 йил
10.	Дастрўмол	5 дона	2 йил
11.	Сочиқ	4 дона	1 йил
12.	Ҳаммом учун сочиқ*	2 дона	1 йил
13.	Пахтали матрас*	1 дона	5 лет
14.	Пахтали ёстиқ*	1 дона	10 лет
15.	Адёл* (ярим жунли адёл)	1 дона	5 лет
16.	Пешбанд*	1 дона	1 йил
17.	Шиппак*	1 жуфт	1 йил
18.	Стол усти клеёнкаси*	0,3 метр	1 йил

Оналари билан бирга жазони ижро этиш муассасаларидаги болалар уйларида сақланаётган болалар кийим-кечак, пойабзал ва бошқа буюмлар билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги болалар уйлари учун белгиланган меъёрлар бўйича таъминланади.

*) Инвентарь фойдаланиш учун берилади.

**) 50 фоиздан кам бўлмаган пахта толасидан тўқилган мато ишлатилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 мартдаги 143-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг даволаш
муассасаларида, жазони ижро этиш муассасаларининг тиббиёт
бўлимларида стационар даволанишда бўлган беморларни
озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак (буюм) билан таъминлаш
МЕЪЁРЛАРИ**

1 - сон меъёр
даволаш муассасаларида, жазони ижро этиш муассасалари
ва тергов ҳибсхоналарининг тиббиёт бўлимларида стационар даволанишда
бўлган беморларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш

“А” – меъёр (умумий)

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	250
2.	2-нав ундан тайёрланган буғдой нони	250
3.	2-нав буғдой уни	20
4.	Турли хил ёрмалар (гуручсиз)	40
5.	Гуруч	30
6.	Макарон маҳсулотлари	20
7.	Гўшт (мол, қўй гўшти ва бошқалар)	100
8.	Парранда гўшти (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
9.	Балиқ (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
10.	Тухум (дона)	1
11.	Дуккакли маҳсулотлар	20
12.	Ҳайвон ёғи ёки маргарин	15
13.	Ўсимлик ёғи	30
14.	Сариёғ	20
15.	Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган)	250
16.	Шакар	40
17.	Чой	1
18.	Йодланган ош тузи	10
19.	Дафна япроғи	0,1

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
20.	Томат пастаси	3
21.	Картошка крахмали	1
22.	Картошка	450
23.	Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак – 5гр)	15
24.	Сабзавотлар* жумладан:	416
	карам (янги узилган ёки тузланган)	55
	бодринг ва помидор (янги узилган ёки тузланган)	95
	пиёз	50
	лавлаги ва сабзи	85
	қовоқ	20
	бошқа сабзавотлар (шолғом, турп, булғор қалампери, бақлажон)	106
	кўкатлар	5

Ушбу меъёр бўйича манзил-колонияда касаллиги бўйича (тиббий кўрсаткичларга ва тиббий хулосага асосан) ишдан озод қилинган маҳкумлар манзил-колониянинг корхона, муассаса ва ташкилоти маблағлари ҳисобидан кейинчалик маҳкумларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш шarti билан таъминланади.

Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига йиғиб берилишига рухсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кунидаги маҳсус контингентнинг амалдаги сони асос бўлади.

*) Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

“Б” – меъёр
дистрофия, авитаминоз, I ва II гуруҳ ногиронлиги, сил, ошқозон яраси,
ёмон сифатли ҳосила, ўсма ҳамда руҳий касалликлар билан диспансер
ҳисобига олинган беморларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	200
2.	2-нав ундан тайёрланган буғдой нони	250
3.	2-нав буғдой уни	20
4.	Турли хил ёрмалар (гуручсиз)	40
5.	Гуруч	30
6.	Макарон маҳсулотлари	30
7.	Гўшт (мол, қўй гўшти ва бошқалар)	150
8.	Парранда гўшти (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
9.	Балиқ (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
10.	Тухум (дона)	1,5
11.	Дуккакли маҳсулотлар	20
12.	Ҳайвон ёғи ёки маргарин	10
13.	Ўсимлик ёғи	30
14.	Сариёғ	40
15.	Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган)	500
16.	Творог	50
17.	Шакар	45
18.	Чой	1
19.	Йодланган ош тузи	10
20.	Дафна япроғи	0,1
21.	Томат пастаси	3
22.	Картошка крахмали	1
23.	Картошка	450
24.	Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак – 5гр)	15
25.	Сабзавотлар* жумладан:	401
	карам (янги узилган ёки тузланган)	55
	бодринг ва помидор (янги узилган ёки тузланган)	95
	пиёз	60
	лавлаги ва сабзи	90

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
	қовоқ	20
	бошқа сабзавотлар (шолғом, турп, булғор қалампири, бақлажон)	76
	кўкатлар	5
26.	Асал	10
27.	Янги мевалар ва резаворлар* жумладан:	140
	олма	100
	резаворлар	40

Ушбу меъёр бўйича тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасаларининг тиббий ходимлари томонидан тиббий кўрсаткичлар бўйича дистрофия, авитаминоз, I ва II-гурӯҳ ногиронлиги, сил, ошқозон яраси, ёмон сифатли ҳосила, ўсма, коронавирус инфекциялари, ўткир инфекцион ҳамда руҳий касалликлар билан диспансер ҳисобига олиниб, амбулатор ёки стационар даволанаётган беморлар таъминланади.

Силнинг фаол шакли билан касалланганлар қамоқда сақланаётган давр ёки жазо муддатини ўташ даври мобайнида тўлиқ ушбу меъёр бўйича таъминланади. Шунингдек, тиббий кўрсаткичлар ва тиббий хулосага асосан бошқа сурункали касалликлар билан диспансер рўйхатига олинган шахслар сақлаш жойидан қатъи назар, ушбу меъёр билан тўлиқ таъминланади.

Шу билан бирга, ушбу меъёр бўйича манзил-колонида касаллиги бўйича (тиббий кўрсаткичларга ва тиббий хулосага асосан) ишдан озод қилинган маҳкумлар, манзил-колонианинг корхона, муассаса ва ташкилоти маблағлари ҳисобидан кейинчалик маҳкумларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш шарти билан таъминланади.

Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига йиғиб берилишига рухсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги махсус контингентнинг амалдаги сони асос бўлади.

*) Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

**“В” – меъёр
стационар даволашда ва соғломлаштириш гуруҳларида бўлган вояга
етмаган беморларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари**

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	250
2.	2-нав ундан тайёрланган буғдой нони	300
3.	2-нав буғдой уни	20
4.	Турли хил ёрмалар (гуручсиз)	40
5.	Гуруч	30
6.	Макарон маҳсулотлари	35
7.	Гўшт (мол, қўй гўшти ва бошқалар)	125
8.	Парранда гўшти (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
9.	Балиқ (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
10.	Тухум (дона)	1,5
11.	Дуккакли маҳсулотлар	20
12.	Ҳайвон ёғи ёки маргарин	10
13.	Ўсимлик ёғи	30
14.	Сариёғ	30
15.	Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган)	300
16.	Творог	30
17.	Шакар	45
18.	Чой	1
19.	Йодланган ош тузи	10
20.	Дафна япроғи	0,1
21.	Томат пастаси	3
22.	Картошка крахмали	1
23.	Картошка	450
24.	Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак – 5гр)	20
25.	Янги мевалар ва резаворлар* жумладан:	240
	олма	200
	резаворлар	40
26.	Сабзавотлар* жумладан:	339
	карам (янги узилган ёки тузланган)	55
	бодринг ва помидор (янги узилган ёки тузланган)	65

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
	пиёз	60
	лавлаги ва сабзи	65
	қовоқ	20
	бошқа сабзавотлар (шолғом, турп, булғор қалампири, бақлажон)	69
	кўкатлар	5

Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг кайсидир куни ёки кунларига йиғиб берилишига рухсат берилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қартилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги маҳсус контингентнинг амалдаги сони асос бўлади.

*) Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

“Г” – меъёр
ОИТВ инфекцияси ва ОИТС касаллигига чалинганларнинг
озиқ-овқат маҳсулотлари

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
1.	1-нав ундан тайёрланган буғдой нони	500
2.	2-нав ундан тайёрланган буғдой нони	200
3.	2-нав буғдой уни	20
4.	Турли хил ёрмалар (гуручсиз)	40
5.	Гуруч	30
6.	Макарон маҳсулотлари	100
7.	Балиқ (ичак-чавоқларидан тозаланган)	35
8.	Тухум (дона)	2
9.	Дуккакли маҳсулотлар	40
10.	Ўсимлик ёғи	40
11.	Сариёғ	40
12.	Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган)	300
13.	Творог	100
14.	Шакар	45
15.	Чой	2
16.	Йодланган ош тузи	6
17.	Томат пастаси	3
18.	Картошка крахмали	10
19.	Картошка	400
20.	Сабзавотлар* жумладан:	401
	карам (янги узилган ёки тузланган)	55
	бодринг ва помидор (янги узилган ёки тузланган)	95
	пиёз	40
	лавлаги ва сабзи	95
	бошқа сабзавотлар (шолғом, турп, булғор қалампери, бақлажон)	81
	кўк пиёз	15
	петрушка, укроп, сельдерей (кўкатлар)	20
21.	Янги мевалар*	200
22.	Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак – 5гр)	30

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир киши учун суткалик миқдор (грамм)
23.	Кўк нўхат (консерваланган)	20
24.	Шарбатлар	100
25.	Қандолат маҳсулотлари	100
26.	Парранда гўшти (ичак- чавоқларидан тозаланган)	200
27.	Пишлоқ	20
28.	Кефир (қатик)	200
29.	Асал	10
30.	Қаҳва ёки какао	1
31.	Хамиртуруш	1
32.	Зираворлар	1

Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларининг тиббий ходимлари томонидан диспансер ҳисобига олинган ОИТВ инфекцияси ва ОИТС касаллигига чалинган беморлар сақланиш жойидан қатъи назар, ушбу меъёр бўйича тўлиқ таъминланади.

Шу билан бирга, ушбу меъёр бўйича манзил-колонияда касаллиги бўйича (тиббий кўрсаткичларга ва тиббий хулосага асосан) ишдан озод қилинган маҳкумлар, манзил-колониянинг корхона, муассаса ва ташкилоти маблағлари ҳисобидан кейинчалик маҳкумларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш шарти билан таъминланади.

Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига йиғиб берилишига рухсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги маҳсус контингентнинг амалдаги сони асос бўлади.

*) Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

2 – сон меъёр
даволаш муассасаларида, тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш
муассасаларининг тиббиёт бўлимларида стационар даволанишда бўлган
беморларнинг кийим-кечаклари (буюмлари)

Т/р	Буюмнинг номи	1 кишига	Хизмат қилиш муддати
1.	Касалхона костюми (эркакларга берилади) (ички кўйлак ва ички иштон)	2 тўплам	1 йил
2.	Касалхона кўйлаги (аёлларга берилади) (ип-газламали ички кўйлак ва ички панталон)	2 дона	1 йил
3.	Касалхона халати* (ип-газламали халат)	1 дона	3 йил
4.	Пахтали матодан пайпоқ**	2 жуфт	1 йил
5.	Гамаш (аёлларга берилади)	2 жуфт	1 йил
6.	Адёл* (ярим жунли адёл)	1 дона	3 йил
7.	Пахтали матрас*	1 дона	4 йил
8.	Пахтали ёстиқ*	1 дона	4 йил
9.	Чойшаб*,***	2 дона	1 йил
10.	Ёстиқ жилди*	2 дона	1 йил
11.	Сочик	2 дона	1 йил
12.	Гигиена эҳтиёжлари учун сочик (аёлларга берилади)	1 дона	1 йил
13.	Шиппак*	1 жуфт	1 йил

Ушбу меъёрга қўшимча равишда маҳкумларнинг рўйхатдаги сонига нисбатан 5 фоиз миқдорда ички кийим ва ўрин-тўшак анжомлари эпидемик жамғарма учун берилади.

*) Инвентарь фойдаланиш учун берилади.

**) 50 фоиздан кам бўлмаган пахта толасидан тўқилган мато ишлатилиши мумкин.

***) Сил, тери касаликларига чалинганларга ва операциядан кейинги беморлар учун 1 йилга 3 дона чойшаб берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 мартдаги 143-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарини
совун ва ювиш воситалари билан таъминлаш
МЕЪЁРЛАРИ**

**Тергов ҳибсхоналарида сақлаб турилган шахслар, шунингдек, жазони
ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларни ҳожатхона-
ювиниш, санитария-гигиена эҳтиёжлари ва ҳаммомда ювиниш
учун совун билан таъминлаш меъёри**

Т/р	Шахсларнинг тоифалари	(граммда)			
		Микдори (бир кишига бир ой учун)			
		ҳожатхона-ювиниш эҳтиёжлари ва ҳаммомда ювиниш учун		хўжалик совуни, санитария- гигиена эҳтиёж- лари учун	Идиш ювиш воситаси
хўжалик совуни	атир совун				
1.	Тергов ҳибсхонасида сақлаб турилган шахслар ва маҳкумларга:				
	эркаклар	200			
	аёллар	200	100		
2.	Даволаш муассасаларида ва тергов ҳибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш муассасаларининг тиббиёт бўлимларида стационар даволанишда бўлган беморларга:				
	эркаклар	250			
	аёллар	250	100		
3.	Вояга етмаган маҳкумларга (барча эҳтиёжлари учун):				
	эркаклар	400	50		
	аёллар	400	50		
4.	Оғир ва зарарли меҳнат шaroитлари бўлган ишларда банд бўлган маҳкумларга:				
	эркаклар	250			
	аёллар	250	100		
5.	Тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасалари ва даволаш муассасаларининг ошхона ишчиларига			100	
6.	Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларининг ошпаз ҳамда нон кесувчи бўлиб ишлайдиган маҳкумларига			150	
7.	Сартарош, дезинфектор бўлиб ишлайдиган маҳкумларга ҳамда тергов ҳибсхоналари даволаш муассасалари ва жазони ижро этиш муассасаларининг тиббиёт бўлимларида беморларга хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган ишлардаги маҳкумларга			100	

Т/р	Шахсларнинг тоифалари	Микдори (бир кишига бир ой учун)			
		ҳожатхона-ювиниш эҳтиёжлари ва ҳаммомда ювиниш учун		хўжалик совуни, санитария- гигиена эҳтиёж- лари учун	Идиш ювиш воситаси
		хўжалик совуни	атир совун		
8.	Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида ифлосланиш даражаси юқори бўлган ишларда банд бўлган шахсларга			100	
9.	Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида ўта зарарли ва ифлосланиш даражаси юқори бўлган ишларда банд бўлган шахсларга			400	
10.	Овқатланиш-ошхона идишларини ва ошхона буюмларини ювиш учун				90

1) Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида ошпаз ва нон кесувчи бўлиб ишлайдиган маҳкумларга ювиниши учун қўшимча равишда ишга киришидан аввал 100 грамм хўжалик совуни берилади.

2) Меъёрларда санитария-гигиена эҳтиёжлари учун назарда тутилган хўжалик совуни умумий фойдаланиш жойларига (ишлаб чиқаришда ва жазони ижро этиш муассасалари ювиниш жойларига, душларга) берилади.

3) Терига зарарли таъсир этиши мумкин бўлган ишларда ишлайдиганлар учун совунга қўшимча равишда ювиб ташлайдиган ва зарарсизлантирувчи воситалар белгиланган меъёрларга мувофиқ бепул берилади.

Кийимнинг ифлосланиш ва сувнинг қаттиқлик даражасига қараб, 1 кг куруқ кийим-кечак ва ётоқ буюмлари учун совун ва кир ювиш воситалари билан таъминлаш меъёри

а) кир ювиш кукунидан фойдаланган ҳолда ювиш

Кийим-кечак ва ётоқ буюмларининг кўриниши	Кийим-кечак ва ётоқ буюмларининг ифлослик даражаси	Синтетик кир ювиш кукуни (грамм)		Аралаш кир ювиш кукуни (грамм)	
		юмшоқ сувда	қаттиқ сувда	юмшоқ сувда	қаттиқ сувда
Оқ	I	27	36	31	40,5
	II	30	40	35	45
	III	36	48	42	54
	IV	45	60	52,5	67,5
Рангли	I	22,5	27	27	31
	II	25	30	30	35
	III	30	36	36	42
	IV	37,5	45	45	52,5

б) совун ва кальцийланган содадан фойдаланган ҳолда ювиш

Кийим-кечак ва ётоқ буюмларининг кўриниши	Кийим-кечак ва ётоқ буюмларининг ифлослик даражаси	60 фоизли хўжалик совуни (грамм)	Кальцийланган сода (грамм)	60 фоизли хўжалик совуни (грамм)	Кальцийланган сода (грамм)
		юмшоқ сувда		қаттиқ сувда	
Оқ	I	19	19	24	24
	II	21	21	27	27
	III	25	25	32	32
	IV	32	32	40	40
Рангли	I	20	3,5	24	5,5
	II	22	4	28	6
	III	26	5	33	7
	IV	33	7	42	9

1) Кийим-кечак ва ётоқ буюмларининг ифлосланиш даражаси куйидагича тавсифланади:

I даража - кам ифлосланган кийим ва ётоқ буюмлари, кам фойдаланган ва янги кийим-кечаклар;

II даража - ўртача ифлосланган кийим-кечак ва ётоқ буюмлари (доғ ва едилган жойлари бўлган ётоқ буюмлари, шахсий сочик ва бошқа буюмлар);

III даража – катта доғлари ва едирилган жойлари бўлган жуда ифлосланган ётоқ буюмлари (ошхона сочиқлари, кўп ишлатилган кийимлар ва бошқа буюмлар);

IV даража - майший ва ишлаб чиқаришда кир бўлган ўта ифлосланган кийим-кечаклар ва буюмлар (махсус ва ошхона кийим-кечаклари ва буюмлари).

2) IV даражали ифлосланган кийим-кечакларни ва буюмларни ювиш учун 1 кг қуруқ буюмлар учун сарфланадиган синтетик кир ювиш қукуни меъёрларига кальцийланган сода қўшилади:

а) юмшоқ сувда - оқ кийим-кечак ва ётоқ буюмлари учун 6 грамм ва ранглисига 3 грамм;

б) қаттиқ сувда - оқ кийим-кечак ва ётоқ буюмлари учун 8 грамм ва ранглисига 5 грамм.

3) Кийим-кечак ва ётоқ буюмлар қўлда ювилганда, 1 кг қуруқ буюмлар учун совун ва ювиш воситалари сарфланиши қуйидагиларни ташкил этади:

60 фоизли хўжалик совуни - 20 грамм (ёки 40 фоизли - 30 грамм);

кальцийланган сода - 12 грамм.

4) Хўжалик совуни ва кальцийланган сода синтетик кир ювиш қукуни бўлмаганда ишлатилади.

5) Сувнинг қаттиқлик даражаси жойлардаги санитария-эпидемиология лабораторияларининг таҳлил натижаларига кўра тасдиқланиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 мартдаги 143-сон қарорига
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ва тергов ҳибсхоналарида сақлаб турилган шахсларнинг, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг таъминоти меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида” 2015 йил 7 июлдаги 184-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 13 мартдаги 130-сон қарорига 1-илованинг 53-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги 703-сон қарорига илованинг 41-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 21 декабрдаги 1008-сон қарорига илованинг 4-банди.

